

ЕРГА ОИД ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРТИБГА
СОЛИНИШИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Сулаймонов Зиёвуддин Махбубович

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти

Email: SulaymanovZiyovuddin0101@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада ерга оид ҳуқуқий муносабатлар ва уларни тартибга солишнинг назарий асослари комплекс тарзда таҳлил қилинган. Ер ресурсларининг стратегик аҳамияти, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш зарурати ҳамда давлат томонидан ҳуқуқий муҳофаза қилиш механизмларининг ўрни ёритилган. Шунингдек, ер муносабатларининг ҳуқуқий табиати, асосий тамойиллари ва уларни тартибга солишда миллий ҳамда хорижий олимларнинг илмий қарашлари ўрганилган. Амалдаги қонунчиликдаги муаммолар, хусусан ер тоифалари, мақсадли фойдаланиш мезонлари ва мониторинг тизимидаги камчиликлар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича илмий таклифлар илгари сурилган. Ер ресурсларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, электрон кадастр тизимини такомиллаштириш ҳамда ноқонуний ер эгаллаш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган. *Калит сўзлар:* ер ҳуқуқи, ер муносабатлари, ер ресурслари, ҳуқуқий тартибга солиш, давлат назорати, ер кадастри, барқарор ривожланиш, экологик хавфсизлик, ер тоифалари, ер мониторинги

Аннотация: В данной статье комплексно исследуются теоретические основы правовых отношений в сфере земли и их правового регулирования. Освещается стратегическое значение земельных ресурсов, необходимость их рационального и эффективного использования, а также роль государства в обеспечении правовой охраны. Рассматриваются правовая природа земельных отношений, основные принципы их регулирования, а также научные подходы национальных и зарубежных ученых. Проанализированы проблемы действующего законодательства, в частности вопросы категорий земель, критериев целевого использования и недостатков системы мониторинга. Предложены научные рекомендации по совершенствованию механизмов контроля за использованием земель, развитию электронной кадастровой системы и предупреждению незаконного захвата земельных участков.

Ключевые слова: земельное право, земельные отношения, земельные ресурсы, правовое регулирование, государственный контроль, земельный кадастр, устойчивое развитие, экологическая безопасность, категории земель, мониторинг земель

Annotation: This article provides a comprehensive analysis of the theoretical foundations of land-related legal relations and their regulation. It highlights the strategic importance of land resources, the necessity of their rational and efficient use, and the role

“ZAMONAVIY DUNYODA SUN’IY IDROKNING RIVOJLANISHI: YANGI DAVR MUAMMOLARI VA YANGI YECHIMLAR JURNALI”

30-Mart, 2026-yil

of the state in ensuring legal protection. The legal nature of land relations, key regulatory principles, and scholarly approaches of national and foreign researchers are examined. The study also identifies existing issues in current legislation, including land categorization, criteria for designated use, and shortcomings in monitoring systems. Practical recommendations are proposed to improve land use control mechanisms, enhance electronic cadastre systems, and prevent illegal land occupation.

Keywords: *land law, land relations, land resources, legal regulation, state control, land cadastre, sustainable development, environmental protection, land categories, land monitoring*

Ҳозирги кунда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жадал суръатларда амалга оширилаётган ва барча соҳалар изчил равишда ривожланиб бораётган мамлакатимизда ер ресурсларини ҳуқуқий жиҳатдан ишончли муҳофаза қилиш, улардан оқилона, самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш масаласига алоҳида устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Ер – давлатнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган асосий табиий бойлиги эканлиги инobatга олиниб, уни сақлаш, ҳимоя қилиш ва келгуси авлодлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда бошқариш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Шунингдек, ер муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик базаси такомиллаштирилиб, назорат ва мониторинг механизмлари кучайтирилмоқда.

Сўнги йилларда мамлакатимиз ҳудудида аҳоли сонининг тез суръатларда ўсиб бориши, янги турар-жой массивлари, ижтимоий объектлар ва инфратузилма иншоотларини барпо этиш заруратининг ортиши ер участкаларига бўлган эҳтиёжнинг сезиларли даражада кўпайишига олиб келмоқда. Бу эса ер ресурсларидан фойдаланишда мувозанатни таъминлаш, уларни адолатли тақсимлаш ва мақсадли ишлатиш масалаларини янада долзарблаштирмоқда. Шу боис, мавжуд ер майдонларини сақлаб қолиш, улардан самарали фойдаланиш ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича тизимли ёндашувни таъминлаш бугунги кунда давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги мақсадида фойдаланиладиган ерлардан унумли, оқилона ва самарали фойдаланиш усулларини янада ошириб, уларнинг тоифаси ўзгаришига йўл қўймаслик зарур. Чунки қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар аҳолини озик-овқат маҳсулотлари, кийим кечак ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлайди.

Ҳозирда ердан оқилона фойдаланиш бўйича етарли даражада тизимли ишлар амалга оширилмаяпти, аҳоли пунктларида ва қишлоқларда, айниқса, олис ҳудудларда ерлардан фойдаланиш ҳолатини мунтазам мониторинг қилиш ишлари етарли даражада эмас.

Ерга оид ҳуқуқий муносабатлар назариясини ўрганишда миллий ва хорижий олимлар томонидан турли ёндашувлар илгари сурилган.

Хусусан, Р.Х.Рустамбаев фикрича, ер ҳуқуқий муносабатлари давлатнинг ер сиёсати билан узвий боғлиқ бўлиб, ер ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар орқали амалга оширилади⁶. Олим ер муносабатларининг асосий тамойиллари сифатида қонунийлик, мақсадлилик ва давлат назорати устуворлигини кўрсатади.

О.Мадалиев эса ер муносабатларини экология ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда таҳлил қилиб, ерни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш тамойилини назарий асос сифатида белгилайди⁷. Унинг таъкидлашича, ер фақат мулк объекти эмас, балки табиий ресурс сифатида экологик муҳофаза талаб этадиган бойликдир.

Ер ҳуқуқий муносабатларининг ҳуқуқий табиати икки асосий хусусият билан белгиланади:

1. мулк-ашёвий муносабатлар хусусияти;
2. оммавий-ҳуқуқий тартибга солиш устуворлиги.

Ер муносабатларини тартибга солишда қуйидаги назарий тамойиллар муҳим аҳамиятга эга:

- ернинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши;
- ердан мақсадли фойдаланиш;
- ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш;
- барқарор ривожланиш тамойили;
- жамоат ва хусусий манфаатлар мувозанати.

М.Қодиров ер муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш механизмини таҳлил қилиб, ер ресурсларидан фойдаланиш устидан самарали назорат тизимини шакллантириш зарурлигини асослайди⁸. Унинг фикрича, ер муносабатлари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш билан бир қаторда, институционал механизмларни кучайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

О.С.Колбасов ер ва бошқа табиий ресурсларга оид муносабатларни экология ҳуқуқининг таркибий қисми сифатида кўриб, ернинг ҳуқуқий режими жамоат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши лозимлигини таъкидлайди⁹. У ерни муҳофаза қилиш давлатнинг конституциявий вазифаси эканлигини илмий жиҳатдан асослайди.

Е.А.Суханов эса ерга нисбатан мулк ҳуқуқини фуқаролик ҳуқуқининг муҳим институти сифатида таҳлил қилади¹⁰. Унинг қарашларига кўра, ер ҳуқуқий муносабатлари ашёвий ҳуқуқлар тизими доирасида шаклланиб, мулк ҳуқуқи, сервитут, ижара ва бошқа ҳуқуқий институтлар орқали ифода этилади.

⁶ Рустамбаев Р.Х. Ер ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2019.

⁷ Мадалиев О. Аграр ва ер муносабатлари ҳуқуқи масалалари. – Тошкент, 2021.

⁸ Қодиров М. Ер муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш. – Тошкент, 2020.

⁹ Колбасов О.С. Экологическое право России. – Москва: Юристъ, 2001.

¹⁰ Суханов Е.А. Гражданское право: Учебник. – Москва: Волтерс Клувер, 2014.

Россия ҳуқуқшунослигида ер муносабатларини тартибга солишда давлат иштирокининг устуворлиги ва ерни стратегик ресурс сифатида муҳофаза қилиш ғояси асосий ўрин тутди.

Ерга оид ҳуқуқий муносабатлар назарияси кўпқиррали ва комплекс характерга эга бўлиб, у мулк ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ва экология ҳуқуқи нормаларининг уйғунлашуви асосида шаклланади. Миллий ва хорижий олимлар томонидан илгари сурилган илмий қарашлар ер муносабатларини тартибга солишда қонунийлик, мақсадли фойдаланиш, барқарор ривожланиш ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш тамойиллари устувор аҳамият касб этишини кўрсатади.

Замонавий шароитда ер ресурсларини самарали бошқариш ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу боис, ер ҳуқуқий муносабатларининг назарий асосларини чуқур ўрганиш ва уларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш долзарб илмий вазифа ҳисобланади.

Ерга оид ҳуқуқий муносабатлар соҳасида миллий ва хорижий олимлар — Рустамбаев Р.Х., Мадалиев О., Қодиров М., Колбасов О.С., Суханов Е.А. қарашлари таҳлили шуни кўрсатадики, ер муносабатларини самарали тартибга солиш ернинг стратегик ва табиий ресурс сифатидаги мақоми, жамоат ва хусусий манфаатлар мувозанати, давлат назорати ва ҳуқуқий режим устуворлиги, мулк ҳуқуқларининг аниқ ва шаффоф расмийлаштирилиши, барқарор ривожланиш ва экологик хавфсизлик каби асосий тамойилларга асосланади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ер тоифалари белгиланган бўлса-да, уларнинг ҳуқуқий режими, айниқса қишлоқ хўжалиги ерлари бўйича мақсадли фойдаланиш мезонлари етарлича аниқ эмас.

Бизнингча, қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа тоифага ўтказиш тартибини янада қатъийлаштириш, ер тоифаси ўзгартирилганда мажбурий экологик ва иқтисодий экспертиза институтини жорий қилиш ва ердан мақсадли фойдаланишни баҳолаш учун ягона индикаторлар тизимини ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг тўлиқ ва шаффоф электрон реестри барча ҳолатларда ҳам ишончли эмас. Барча ер участкалари бўйича ягона интеграциялашган электрон кадастр тизимини яратиш, Ер ҳуқуқларини онлайн мониторинг қилиш ва жамоатчилик учун очиқ ахборот портали жорий этиш ва Ерга оид битимларни мажбурий нотариал ва электрон рўйхатдан ўтказиш тартибини кучайтириш лозим.

Бундан ташқари, ноқонуний қурилиш ва ерни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатлари сақланиб қолмоқда. Бундай турдаги қонун бузилиш ҳолатларини олдини олиш учун ерни ўзбошимчалик билан эгаллаш учун маъмурий жарималар миқдорини ошириш, қайта ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликни кучайтириш ва ер назорати органларининг процессуал ваколатларини аниқ белгилаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги илмий таклифлар миллий ва хорижий ҳуқуқшуносликда шаклланган назарий ёндашувларга таянилган ҳолда ишлаб чиқилди. Улар қуйидаги стратегик мақсадларга хизмат қилади:

- ер ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш;
- ер ҳуқуқларининг аниқ ва шаффоф тизимини яратиш;
- жамоат ва хусусий манфаатлар мувозанатини таъминлаш;
- давлат назорати механизмларини кучайтириш.

Ушбу таклифларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасида ерга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг самарадорлигини оширишга ва ер ресурсларини келгуси авлодлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Шундай экан ҳозирги долзарб вақтларда қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг ижро ҳаракатлари ва ёрдамлари мавжуд бўлмаса, ер ресурсларини зарурий муҳофаза этишни ўйлаб ҳам кўриш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қабул қилинган қарор ва қонунларнинг ижроларига асосан:

- суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган мақсадларга беришдан ҳимоя қилиш;
- тупроқни унумдор қатламини сақлаш;
- тупроқни эрозиядан сақлаш;
- ерни агрохимикатлар таъсиридан ҳимоя қилиш;
- ерни ишдан чиқариб қўйишдан, ботқоқланишдан муҳофаза қилиш;
- ердан хўжасизларча фойдаланишнинг олдини олиш.

Шу каби қонун-қоидаларни тартибга солиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ер ва ердан фойдаланиш тартиб қоидаларини белгилайди.

Жадаллик билан ўсиб бораётган ҳозирги замонда ердан фойдаланишда инсоният омили кескинлик билан ўсиб бориши натижасида, жаҳондаги иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳаёт тарзларида ернинг ўрни муҳим бўлиб қолмоқда.

Чунки ер – инсоният учун ҳаёт манбаи ҳисобланиб, у шунчаки фойдаланиладиган маҳсулот эмас, балки авлодларимиз томонидан мерос тариқасида қолдирилган қурилиш бунёдкорликлари барпо этилган маскан ҳисобланади. Бу эса келажакни қуришдаги, яъни янги амалга ошириладиган қурилиш масканлари қуришдаги макон.

Бундан ташқари, ер инсон учун моддий бойлик эмас, балки биздан кейинги авлод учун бус-бутун топшириладиган муҳим объектдир. Ҳозирги кунда нафақат мамлакатимиз балки бутун дунёда ер ва ердан фойдаланиш тартиб қоидалари бузилмоқда.

Шунингдек, XXI асрда оммалашаётган ерларни ноқонуний эгалланилиши ва ердан бошқа мақсадларда ноқонуний фойдаланиш ва мақсадсиз эксплуатация қилиш ҳолатлари кундан кунга кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунда одамлар ўз эҳтиёжлари

“ZAMONAVIY DUNYODA SUN’IY IDROKNING RIVOJLANISHI: YANGI DAVR MUAMMOLARI VA YANGI YECHIMLAR JURNALI”

30-Mart, 2026-yil

мақсадида ерни эгаллаб, ундан ўз манфаатларида фойдаланишини кундалик ҳаётда доимий равишда кўриш мумкин бўлиб қолди. Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг умумий ер майдонининг 9,8 фоизи, яъни, 4 млн. 385,1 минг гектар¹¹ни суғориладиган ерларни ташкил қилиб, уларнинг деярли барчасида кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб фойдаланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 26 минг. 220,7 гектарни, аҳоли пунктларининг ерлари 221,7 гектар, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар 798,9 гектар, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар 4 минг. 258,6 гектар, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар 32,4 гектар, ўрмон фонди ерлари, 10 минг. 967,7 гектар, сув фонди ерлари 1 минг. 41,3 гектар, захира ерлари 1 минг. 351 гектарни ташкил қилади.

Мустақилликка эришиш давлатимизда иқтисодий-ижтимоий ривожланиш билан бирга ҳуқуқий ислохатларнинг амалга оширилиши натижасида 30.04.1992 йилда Ўзбекистон Республикасида ер ва ерга оид муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси¹² қабул қилинди. Мамлакатимизда ерга оид муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ва Ўзбекистон Республикасида қабул қилинаётган бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан тартибга солинади.

Ер муносабатларини тартибга солинишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси, вилоят, шаҳар ҳокимликлари ва туман шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ер фонди 8 тоифага бўлинади. Улар кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, аҳоли пунктларининг ерлари, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, ўрмон фонди ерлари, сув фонди ерлари ва захира ерларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикасининг 05.05.2025 йилдаги “**Ер участкаларидан фойдаланиш тартиби янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**”ги ЎРҚ-1061-сонли¹³ Қонуни билан ер участкаларидан фойдаланиш тартиб-қоидалари ва атроф-муҳитнинг муҳофаза қилинишини кучайтириш

¹¹ [https://api-portal.gov.uz/uploads/184/2025/03/26/00c96ce3-be94-3f05-1fef-882619fad682_media .pdf](https://api-portal.gov.uz/uploads/184/2025/03/26/00c96ce3-be94-3f05-1fef-882619fad682_media.pdf) Ер фондининг тоифалари ва уларнинг тавсифи тўғрисидаги маълумотлар.

¹² <https://lex.uz/uz/docs/152653> Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси.

¹³ <https://lex.uz/uz/docs/7510549> Ўзбекистон Республикасининг “**Ер участкаларидан фойдаланиш тартиби янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**”ги ЎРҚ-1061-сонли Қонуни.

“ZAMONAVIY DUNYODA SUN'IY IDROKNING RIVOJLANISHI: YANGI DAVR MUAMMOLARI VA YANGI YECHIMLAR JURNALI”

30-Mart, 2026-yil

шунингдек, экологик вазиятни яхшилаш ва иқлим ўзгаришини изчил олдини олиш бўйича бир қатор чора-тадбирларни белгиланади.

Бундан ташқари, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Ер, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Жиноят, Солик, Шаҳарсозлик кодекслари, “Давлат ер кадастри тўғрисида”, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Ер ости бойликлари тўғрисида”, “Ўрмон тўғрисида”ги қонунлари ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси**¹⁴нинг 60-моддасига кўра, табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш, яъни, Ердан, сувдан, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ёхуд ерга ва бошқа табиий ресурсларга (бундан ер ости бойликлари ва ер ости сувлари мустасно) эгалик ҳуқуқини бевосита ёки яширин шаклда бузувчи битимлар тузиш ёки бошқа ҳаракатлар содир этиш, табиатдан махсус фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Бундан ташқари, мазкур кодекснинг 60¹-моддага кўра, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик, яъни, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрилмаганлиги, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органлар хабардор этилмаганлиги ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, тегишли давлат муассасалари томонидан мазкур маъмурий жазолар қўлланилиб, ижро этилади.

Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят кодекси**¹⁵нинг 197-моддасига кўра, ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш, яъни, ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, 197¹-моддасига кўра, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик, яъни, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи

¹⁴ <https://lex.uz/uz/docs/97664> Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс.

¹⁵ <https://lex.uz/uz/docs/111453> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.

томонидан чоралар кўрмаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, 229¹-моддасига кўра, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, яъни ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш, худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, 229⁴-моддасига асосан, ер бериш тартибини бузиш, яъни мазкур ҳолат юзасидан илгари маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, 229⁵-моддасига кўра, ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш, яъни мазкур ҳолат юзасидан илгари маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, 229⁶-моддасига кўра, суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш, яъни суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш каби жинойтлар юзасидан жазо муқарраллиги белгиланиб, мазкур моддалар Жинойт кодексининг мазкур моддаларида кўрсатилган санкциялар юзасидан жазолар тайинланиб, айбдор шахсларга нисбатан жазо чоралари қўлланилиб, ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси **Фуқаролик кодекси**¹⁶нинг тегишли моддаларига асосан ерга оид, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларни буздириш каби даъво талаблари юзасидан тартиб қоидалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси **Солиқ кодекси**¹⁷нинг 16-бўлимининг тегишли моддалари билан мамлакатимиз ҳудудида юридик ва жисмоний шахслардан ер солиғи тўловлари ундириш юзасидан тартиб-қоидалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси **Шаҳарсозлик кодекси**¹⁸нинг 11-боби 79-82-моддалари билан шаҳарсозлик фаолиятида ер муносабатлари тартиб-қоидалари белгиланиб, амалга татбиқ этилган.

Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлганлар ер ажратилишида амалий ёрдам сўраб, туман ва шаҳар ҳокимликларига мурожаат қилиб, уларга етарлича ерлар туман ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан берилган бўлса, мазкур ҳолат коррупция билан боғлиқ бўлган ҳолатларни келтириб чиқара бошлаганди. Бунинг натижасида, юртимизда 2024 йил 1 мартдан бошлаб, қишлоқ хўжалиги мақсадлари, шу жумладан, дехқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари “E-Auktion” электрон савдо платформаси орқали электрон савдо платформасида ғолиб бўлган шахсларга ижара асосида ажратиб берилиши 07.05.2024 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер участкаларини ижарага бериш тартиби такомиллаштирилиши муносабати

¹⁶ <https://lex.uz/uz/docs/180552> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси иккинчи қисм.
<https://lex.uz/uz/docs/111189> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси биринчи қисм.

¹⁷ <https://lex.uz/uz/docs/4674902> Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.

¹⁸ <https://lex.uz/uz/docs/5307951#5311103> Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси.

“ZAMONAVIY DUNYODA SUN’IY IDROKNING RIVOJLANISHI: YANGI DAVR MUAMMOLARI VA YANGI YECHIMLAR JURNALI”

30-Mart, 2026-yil

билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”¹⁹ ги Фармони билан белгилаб қўйилди.

Шу ва шу каби яна бир нечта қонунчилик ҳужжатлари билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ер ва ерга оид муносабатларни тартибга солишда катта аҳамият касб этиши билан бирга ердан ноқонуний фойдаланишни олдини олишда ёрдам бериб келмоқда.

¹⁹ <https://lex.uz/uz/docs/6915928> 07.05.2024 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер участкаларини ижарага бериш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” ги Фармони